




milliy tiklanish

1995 йил 10 июльдан чиксиз бонитан

www.mf.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



ISSN 2010-1114

2 МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ВАКОЛАТИ НЕГА КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА?



5 ЯНГИ ЙЎЛДАН ЮРИШ МАШАҚҚАТИ

Кеча Президент Шавкат Мирзиёев фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Жорий йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Йиғилишда шу борада бошланган ишлар, тармоқдаги лойиҳалар ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Мамлакатимизда йилига 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол қилинади. Шундан катта қисми – қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинмоқда.

Давоми 2-саҳифада

КАРОР ҚАТЪИЙ

ЛОҚАЙДЛИККА ЎРИН ЙЎҚ!

ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Жорий йили истеъмол қилинаётган 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотларининг 1 миллиард 200 миллион долларлиги хориждан сотиб олинапти

3 ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ

Мамлакатимизда диний соҳада ҳам бир қатор муҳим ўзгариш ва катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири Ҳазрати Имом мажмуасида бунёд этилаётган Ислоҳ цивилизацияси марказидир.

7 ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУДАН ЯШИРИЛГАН ЎЗБЕК ОЛИМИ: У КИМ УЧУН ХАВФЛИ ЭДИ?

У Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳоди Файзий каби маърифатчилар билан ҳамфикр ва ҳаммаслак эди.

8 РАМАЗОН ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ҳа, инсон унутувчан, баъзан эса ношукр бўлади. Баъзилар ейишга нони, кийишга кийими бор, оиласи тинч, соғ-саломат бўлса-да, янада яхшироқ яшашмастидан нолийди.



3 ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕЖАЛАРИНИ ФАҚАТ БИЛИМЛИ КАДРЛАР АМАЛГА ОШИРАДИ

Давлат раҳбарининг аниқ ва хорижий тилларни ўргатишга оид ташаббуслари, қабул қилган қарорлари натижасида кейинги йилларда математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология фанлари бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар ташкил топди.

«ИСЭНИМ БЕПОЁН, ИСТИФФОРИМ ҲАДСИЗ...» 6

Таълимда «Самарқанд тажрибаси»нинг моҳияти нимада?

2022-2025 йиллар давомида 28 минг нафар ўқитувчи «Мобил методик гуруҳ» томонидан ўқитилиб, касбий маҳорати оширилади.

4 Тошкент тарихига ХИЁНАТ бу

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Худудлар кесимида олганда, маҳаллийлаштириш даражаси мутлақо қониқарсиз. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида истеъмол қилинадиган дорининг атиги 2-5 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади.

Шу боис, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида лойиҳалар билан ишлаш тизимини янгидан қилиш вазифаси қўйилди. Дори воситаларига талабни ўрганиб, уларни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хусусан, жорий йилнинг ўзида 80 миллион долларлик 34 та лойиҳа режалаштирилган. Мутасаддиларга бу борада тадбиркорларга кўмаклашиб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Йирик хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказиб, уларнинг брендларини жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан яна 18 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари уларни Ҳиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда айланма маблағлар учун 200 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинадиган бўлди.

Тармоқдаги экспорт масаласи муҳокама қилинар экан, унинг катта қисми Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан бўлаётгани, қолган худудларда бу кўрсаткич анча паст экани кўрсатиб ўтилди. Янги лойиҳалар натижасида фармацевтика маҳсулотлари экспортини кескин ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига юртимизда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 йил муддатга қасалликлар харид қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бунда, айниқса, онкология, гематология, эндокринология ва вирусли касалликлар учун дорилар нархини арзонлаштириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоқадор эътибор қаратилди. Бугунги кунгача дори ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш учун қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган хомашёлар рўйхати бешта идора томонидан тасдиқланар эди. Эндиликда бу рўйхат учта – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Божхона кўмитаси ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Шунингдек, энди маҳаллий корхоналарнинг «GMP» сертификатини олиш билан боғлиқ харажатлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилди. Корхоналарни модернизация қилишни молиялаштириш Тўғридан-тўғридан инвестициялар жамғармаси иштирокида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимларига 80 та туманни доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб,

плантациялар ташкил этиш топширилди.

Бу тажрибани кенгайтиришда кооперация ва оилавий тадбиркорлик учун назарда тутилган барча имтиёз ва молиялаштириш тартиблари татбиқ этилади.

Қайд этилганидек, доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импортида божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисми қоплаб берилди, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этиш, худудлардаги олий таълим муассасаларида фармацевтика бўйича факультетлар очиш тақлифларини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар, соҳадаги етакчи корхоналар раҳбарлари ва доривор ўсимлик етиштирувчи тадбиркорлар сўзга чиқди. Президентимиз уларнинг тақлиф ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.



ЎЗА

Фракцияда

Кутинг!

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ВАКОЛАТИ НЕГА КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА?



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълумки, кейинги пайтларда Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлашдаги ўрни ошиб борапти. Ҳозир гвардияга хизмат ўташ худудига Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва пойтахтимизда 49 та хиёбон, 69 та истироҳат боғи, 168 та йирик бозорлар киради. Жамоат тартибини сақлаш ишларига бир кунда 1500-2000 нафар хизматчи жалб этилмоқда.

2021 йили Миллий гвардиянинг Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари натижасида 166 мингдан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган, 187 нафар қидирувдаги шахс ушланган. Аммо гвардияга маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ваколати берилмагани боис, бу шахсларнинг барчаси ички ишлар органларига топширилган. Бу эса ортиқча ҳужжатбозлик ва фуқароларнинг сарсон бўлишига сабаб бўляпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан эса Миллий гвардияга жамоат тартибига тажовуз қилинган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва маъмурий баённомаларни расмийлаштириш ваколати берилмоқда. Шунингдек, уларнинг жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни аниқлашга

доир ваколати кенгайтирилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга, ички ишлар ходимларининг хизмат юкмааларини камайтириб, уларга аҳоли билан кўпроқ ишлаш имкониятини беради.

– Айни пайтда Миллий гвардиянинг фуқароларни ушлаб турадиган аниқ жойи ҳам йўқ. Шундай ваколат берилса, бу иш қаерда амалга оширилади? – деди фракция аъзоси Даврон Арипов.

Қонун ташаббускорларининг фикрича, Миллий гвардия хизматчилари фуқароларни шахсини аниқлаш учун маҳалла идорасида 1 соатгача, участка нозир хонасида эса 3 соатгача ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилгани сари бу билан боғлиқ фирибгарликлар ҳам кўпаймоқда. Айниқса, кейинги пайтларда банк пластик карточкалари ва банк

ҳисобварақларидан пул ўғирлаш ҳолатлари кескин кўпайган.

Мисол учун, 2020 йилда ички ишлар органларига ушбу мазмунда 965 та, 2021 йилда эса 1601 та мурожаат тушган. Утган йили 610 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, фуқароларга қарийб 4,5 млрд. сўм миқдорда зарар етказилган. Шунингдек, фуқаролар номига «онлайн кредит» орқали банк муассасасидан пул ўзлаштириш ҳолатлари ҳам кўпайган.

Амалдаги қонунчиликда бу каби қилмишлар учун енгил жавобгарлик белгилангани боис, бундай ҳолатлар яна такроран содир этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасидаги жавобгарликлар янада кучайтирилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон пул маблағларини яширин равишда талон-тарож қилиш, фуқароларнинг ишончига кириб унинг ҳисоб рақами ёки пластик картасидан пул ўғирлаш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдам НИЁЗОВ
тайёрлади

Келгуси сонларда

ЯНГИ ЙЎЛДАН ЮРИШ МАШАҚҚАТИ



Мазкур мақолада журналист ва унинг жамиятдаги ўрни, журналист ахлини ўйлантираётган муаммолар ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Фақат кейинги йилларда мамлакатимиз журналистлари жамоаси ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар ва янги бир воқелик ҳақидаги фикрларимизни ўртага ташламоқчимиз. «Матбуот – ҳукуматнинг тилидур. Бугун ҳукумат муассасаларининг қилган ишларини ва қилиб турганларини ёзиб, вақти-вақтида хабар бериб халққа гапириб туриш керакдур», – деган эди Абдулхамид Чўпон.

Соҳанинг бир вакили сифатида шуни айтишим мумкинки, узоқ йиллик «қуш уйқуси»дан кейин, ниҳоят Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уйғонди. Тан олайлик, йиллар давомида соҳа жонқуярлари томонидан уюшма шаънига шунчалик кўп «шарафлар» айтилдики, ҳамкасбимиз Карим Баҳриев тили билан айтганда, уюшма йилга бир-икки конкурс ўтказиб, мадҳиябозларни мукофотлайдиган, танқид қилувчиларга бу билан дарс бериб, «ўрганишлар, сизларга ҳам ақл кирса, ҳукуматни мақтасанглар, унвон оласизлар, «қаламларинг олтин» бўлади», қабилида фаолият кўрсатди. Журналистика ва оммавий ахборот коммуникациялар университети ректори, УзЭОАВМА Бошқаруви раиси Шерзодхон Қудратхужаев эса ўшандай пайтларда уюшмага ўзига хос таъриф бериб, ундан нафалини ҳиди келатганини айтган эди. Хабарингиз бор, ўтган йилнинг июнь ойида «Нуроний» газетаси бош муҳаррири вазифасида ишлаб келган таниқли журналист ва ҳуқуқшунос, қарийб ўн йил давомида парламент куйи палатаси ҳавосидан «тўйиб» нафас олган Олимжон Усаров уюшма раислигига сайланди. Тўғри, ўша сайловдан олдин О.Усаровга нисбатан ишонсизлик билдирганлар, уюшмага нисбатан журналистликдан кўра ташкилотчилик қобилияти «банд»роқ бўлган киши етакчилиikka сайланса мақсадга мувофиқ бўларди, деган фикрлар ҳам билдирилди. Хусусан, таниқли журналист Муҳаммаджон Обидовга ўхшаган тиниб-тинчимас ҳамкасбларимиз

номи тилга олинди. Аммо кўп ўтмай янги раис «қуш уйқуси»да «роҳат-фароғатда» яшаган ташкилотга бежиз сайланганини исботлай бошлади. Эсимда, ўша кунларда қайсидир ОАВ вакилига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилган, уюшма кутилмаганда кескин муносабат билдириб, кўпчилик ҳамкасбларимизни хурсанд қилган эди. Шу тариха уюшма ҳақиқий маънода давлат билан журналистлар жамоасини бир-бири билан боғловчи кучга айланмоқчи эканини билдира бошлади. Утган қисқа давр ичида уюшмага янги аъзоларни қабул қилиш кўпайганини ҳам таъкидлаш жоиз. Энг асосийси, юртимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга тезкор муносабатлар билдирапти. Журналистлар ўртасида «Устоз – шогирд» аънаънаси яна тилга олина бошланди, кексалик гаштини сураётган фохрий журналистлар ҳолидан хабар олинди. Шуни қайд этиш жоизки, «бош» уйғонганидан кейин тананинг бошқа аъзолари ҳам ҳаракатга келади деганларидек, уюшманинг вилоятлардаги бўлимлари ҳам жонлана бошлади. Худудий бўлимлар ўртасида борди-келди, таъриба алмашиш имкониятлари кенгаётди. Ҳатто уюшманинг анчадан буён «вакант» турган Тошкент шаҳар бўлимига «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири, кучли ташкилотчи ва фидойи инсон Хусан Эрматов раис этиб сайланди. Бир сўз билан айтганда, уюшма уйғонди. Уз олдига катта-катта режалар қўймоқда. Унутилган,


гўеки сафдан чиқаёзган, фақат ижтимоий тармоқдагина ўз фикрини билдираётган таърибали журналистлар ҳам уюшма эътиборига тушяпти. Блогер, ТВчи, радиочи ёки энг ахволи оғир саналган босма нашрчилар ҳам тенг кўрила бошланди. Мухими, уюшма туртинб-суртинб бўлса ҳам янги йўлдан юришга, қийин бўлса-да, журналистика оламига хизмат қилиш, ҳукумат ва ушбу қатлам ўртасида адолатли тилмоч бўлишга уриняпти. Олим Усаровнинг шу маънода ҳам уюшмага раисликка сайлангани бежиз эмаслиги айтилмоқда... Яна бир муҳим гап. Уюшма ўтган ана шу даврда ўз «қанот»ларини ҳам амалда қўллаб-қувватлай бошлади. Тўғри, балки маблағ бера олмаётгандир, аммо куйидан чиқаётган ташаббуслар рағбатлантириляпти. Бунга кейинги икки ойда Фарғона ва Навоийда ўтган медиафорумларни мисол келтириш мумкин. Шу ўринда Фарғона туманининг «Чимён» сийхатгоҳида ташкил этилган «Жамият ва оммавий ахборот воситалари» мавзусида аънавий Х Чимён медиафоруми ҳақида алоҳида тўхталыш жоиз бўлади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган бу галги медиафорумда барча ҳудудлардан 70 нафардан зиёд журналист, матбуот соҳаси вакиллари ҳамда етакчи ОАВ муҳаррирлари иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Медиафорумда АҚШдаги «Дунё ўзбеклари» сайти раҳбари Исмаил Хушев, «Америка овози» Ахборот агентлиги муҳбири Навбахор Имомова ҳамда Япония ва Туркиянинг таниқли журналистларининг масофадан иштирок этганини, бу эса медиафорум фаолияти, қамрови тобора кенгайиб бораётганини билдиради, албатта. Тўғри, бу дунёда ҳамманинг ўз назари ва ҳақиқати бор, аммо фактлар барча учун бир. Шундай экан, холис ва ҳаққоний журналистика сув ва ҳаводек зарур. Касбимиз ва соҳамиз метин тамойилларга эга. Қурраи заминни ишончли маълумот тебратди – энг эркин ва энг ёпиқ жамиятларда ҳам буни ҳеч ким ҳеч қачон ўзгартира олмади, чунки инсонга ҳаммаша у таяна оладиган ахборот керак, акс ҳолда жабрини тортади. Чимёнда ҳар йили Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Муҳаммаджон Обидов бошчилигида ўтказиладиган медиафорумда бу сафар шу ҳақда ва бошқа долзарб мавзуларда гаплашдик, – дейди Н.Имомова. Фарғона медиафоруми илк бор

2011 йилда ташкил қилинганини ва шу кунгача фақат яхши томонга ўзгарганини айтиш мумкин. Дастлаб ушбу тадбир вилоятдаги журналистлар иштирокида ўтказилган бўлса, орадан уч-тўрт йил ўтиб, Андижон ва Наманганлик журналистлар ҳам форумда иштирок этиш истагини билдирган. Кейинчалик форумга Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари қўшилди. Сўнги беш йилдан бери эса медиафорумда республика миқёсидаги журналистлар, ОАВ ходимлари иштирок этишарди. Медиафорумни ўтказишдан мақсад миллий журналистикамиз олдида турган ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, кўрсатиш, энг асосийси, ана шу жараёнда ўзаро малака, таъриба алмашишни йўлга қўйиш эди. Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Обидовнинг таъкидлашича, бу галги медиафорум иштирокчилари ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳокимлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари билан ҳам бевосита ёки билвосита боғланиб, турли мавзуларда жиддий баҳс-мунозараларга киришдилар. Шу ўринда айнан Муҳаммаджон Обидовнинг ғояси ва ташаббуси билан ташкил топган ҳамда шу кунгача ўтказиладиган ушбу тадбир бошқа «қанот»ларга ҳам ўрнак бўлиши, бу борада айнан етакчиликнинг роли, журналистнинг ўз касбига муҳаббатига шундай натижага олиб келганини таъкидлаш жоиз. Баъзан ухлаб ётган «қанот»ларда шундай имконият йўқми, дегинг келади. Бор, албатта, фақат ташаббус йўқ, фақат ўзини қийнаш хоҳиши йўқ, Олим Усаров бежизга М.Обидовни қўллаётгани йўқ. Шаҳсан ўзим М.Обидовни ҳам, О.Усаровни ҳам яқиндан билганим

учун ушбу тадбир бошқаларни ҳам уйғотишга хизмат қилади, деб ўйлайман... 25-30 март кунлари эса Навоийда – Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Навоий вилояти ҳокимлиги ва «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида «Миллий журналистика: аъналар давомийлиги ва замонавийлик» мавзусидаги республика медиафоруми ташкил қилинди. Бу сафар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юздан ортқ журналист ва блогерлар бир жойга тўпландилар. Форум доирасида «Мурунгов» конига саёхат ташкил қилинди. Журналистлар қанчалик машаққат билан олтин қазиб олинишини ўз кўзлари билан кўрдилар. Зарафшон шаҳридаги катта ўзгаришлар билан, Нуротадаги муқаддас қадамжолар, Навоий шаҳрида олиб бориладиган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондик Санаккулов ижодкорлар иштирокида ўтказиладиган бундай медиафорумларни уч-тўрт йилда бир марта эмас, Навоийда йилга икки марта – баҳор ва куз фаслида ташкил этиш таклифини берди. – Шунинг аниқ айта оламаники, Навоийда 5 кун бирга бўлганимиз, самимий суҳбатлар, саёхатлар, ўзаро таъриба алмашишлар ҳар биримизга 5-10 йиллик ижодий куч-қувват бағишлади, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев. Демак, бундай медиафорум ташкилотчилари ва журналистларнинг сўзларидан билиш мумкинки, ташкилотчилар ҳам, соҳа вакиллари ҳам бундай анжуманларга чанқок. Албатта, соҳа ривожига ҳали кўп ишлар қилиниши, аниққиса, журналистлар ва уларнинг ҳимоя қилиниши, уй-жой олишдаги имтиёзлар борасидаги қонунчилик ҳужжатлари ягона қонунга бирлаштирилиб, такомиллаштирилиши кераклиги кўриниб турибди. Журналистлар ижодий уюшмаси бу ишларга бош-қош бўлиши лозим. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, уюшма уюшмамизга айланяпти. Оддий учрашувми, тадбирми, Жиззах ёки Қўқон чойхонасидаги суҳбатми, уюшманинг ижарадаги энг қуркам хонасида ўтаётган мажлисми, бугун очикликка, самимийликка хизмат қилаяпти. Бу эса янги йўлдаги энг асосий жиҳат, менимча...

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» муҳбири

✓ Статистика



22 йилда 10 тага кўпайган

Театр – ибратхона. Уларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни беқиёс. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган театрлар сони 50 тани ташкил этган. Театрлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан биттага ошган. Йўналишлар бўйича: драма театри – 24 та, кўғирчоқ театри – 11 та, мусиқали театр – 10 та, ёш томошабинлар театри – 4 та, опера ва балет театри – 1 тани ташкил этади. Йиллар кесимида театрлар сони таҳлил қилинганда, 2000 йилда 40 та, 2010 йилда 42 та, 2020 йилда 49 тани ташкил этган.

ЎЗА

